

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ –ДАВР ТАЛАБИ

Гафурова Нигора Туймуродовна

т.ф.н. доцент.

Бухоро мухандислик-технология интитути

Ражабов Азизбек Ибодуллаевич

стажёр-тадқиқотчиси

Нодирова Мехринисо Неъматовна

стажёр-тадқиқотчиси

Бухоро мухандислик-технология интитути.

ANNOTATSIYA Maqolada oliygohda yuqori kursdagi talabalarni dunyoqarashini, ularning fikrlashlarini yan ada kengaytirishi, bilimlarini mustahkamlashi, bilim olish ko‘nikmalarini osonlashtirishda integrativeinnovatsion metodlardan foydalanish, ularni amaliyotda qo‘llash yo‘l-yo‘riqlari haqida ma’lumotlar berilgan.

Kalit so‘zlar: modul, pedagogika, integrativ, innovatsion, o‘quvchi, jarayon, metod, ta’lim, pedagog, tarbiya, shaxs

«Педагогик технология» атамаси ва бу соҳадаги дастлабки ишламалар, XX асрнинг 50-йилларида АҚШда пайдо бўлди. 15-20 йилдан сўнг, педагогик технология, барча ривожланган даслатларнинг таълим доирасини қамраб олди. Охирги йилларда педагогик технологиядан фойдаланиш географияси узлуксиз кенгайиб борди. Хозирги пайтда, педагогик технология планетанинг барча қитъаларда ишлатилипти. Ўзбекистон Республикасида юқори малакали, олий маълумотли мутахассилар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишда, янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда жадаллаштириш зарур».

Педагогик технология – бу давр талабидир. Ўқитувчилик фаолияти ишлаб-чиқариш фаолиятининг бир тури бўлгани сабабли, педагогик

технологиянинг пайдо бўлиши ҳам шу билан боғлиқдир. Шунинг учун, унга ҳам, ишлаб-чиқариш технологиясидек қуйидаги талаблар қуйилади: лойиҳалаш, бошқарилиш, натижаларга кафолатли эришилиш, тузатувлар киритилиш, тежамкорлик.

«Педагогик технология» атамасининг кўп таърифлари мавжуд, аммо бу атама ҳали стандартлаштирилмаган. Шунинг учун, бу атамани дунёдаги нуфузли ташкилот ЮНЕСКО томонидан берилган таърифига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

«Педагогик технологик бу – техникавий ва инсоний манбалардан (ресурсларни) ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиб, ўз олдида таълим шаклларини оптималлаш вазифасини қуядиган, бутун ўқитиш ва билим олиш жараёнини яратиш, қўллаш ва аниқлаш бўйича тизимли қараш демакдир.

Педагогик технологияни соддалаштирилган ҳолда, ўқитиш ва билим олишни, кўпроқ ёки озрок даражада қатъий дастурлаштирилган жараён сифатида тасаввур этиш мумкин. Шунинг учун педагогик технологиянинг дастурлаштирилган ўқитишдан кейин пайдо бўлиши, табиий ҳолдир.

Ўз вақтида, буюк педагог Ян Амос Коменский, инсон табиати билан ягона қонуниятлар асосида амалга ошадиган, ўқитишнинг умумий тартибини топишга ҳаракат қилган эди. У ўқитишнинг ягона-мукаммал усулини тасаввур қилиб, уни соат механизмининг аниқ ва равон иши билан таққосланган эди [1].

Ўқитишнинг идеаллаштирилган ягона усулига эришишга қуйидагилар тўсқинлик курсатади: ўқув мақсадларининг турли-туманлиги, таълим мазмуни (ўқув материали турлари) элементларининг турли-туманлиги, талабаларининг индивидуал хусусиятлари. Шунинг учун ўқитиш амалиётди, ўқитишнинг турли-туман йўллари, усуллари ва шакллардан фойдаланилади.

«Педагогик технология» атамаси ишлаб чиқариш – технологик соҳадан олинган таянч ибора «Технология»ни ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш соҳасида, тайёр маҳсулот чиқариш учун турли-туман илмий тадқиқот,

конструкторлик, технологик ва ташкилий режавий тадбирлар мажмуасини ўз ичига олган, ишлаб чиқариш жараёни тайёрлаш зарур.

Юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш жараёни ҳам. Амалда шунга ўхшаш тадбирлар мажмуасидан иборат бўлади. Олий таълим тизимида, кадрларни тайёрлаш босқичлари, ишлаб чиқаришни тайёрлаш босқичларига ўхшашдир.

Ишлаб чиқаришда биринчи босқичда, илмий тадқиқот ишлар натижаси бўйича конструкторлик тайёргарлик амалга ошириладиган бўлса, таълим соҳасида Давлат таълим стандартлари (таълим соҳасининг конструкциясини аниқловчи) тайёрланади.

Олий таълим соҳаси бўйича илмий тадқиқот ишлари ва давлат малака талаблари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти, ҳамда таълим йўналишлари бўйича таянч олий таълим муассасалари томонидан бажарилади.

Ишлаб чиқаришни тайёрлашнинг иккинчи босқичида, конструкторлик тайёргарликдан сўнг технологик тайёргарлик ишлари олиб борилади, унинг ўзаги – деталларни тайёрлаш, қисмлар ва машина агрегатларини йиғиш технологик жараёнларининг ишлаб чиқишдир.

Технологик жараёнлар – технологик карталар ва технологик карталар албоми кўринишда тасвир этилади. Технологик карта кўринишда акс эттирилган технологик жараён, оддий, юқори малакага эга бўлмаган ишчига олий сифатли маҳсулот тайёрлаш имконини беради, чунки технологик картада маҳсулот тайёрлашнинг барча босқичлари: материал, заготовка, жиҳозлар, технологик жараёнлар мазмуни ва кетма-кетлиги, қайта ишлов бериш маромлари, асбоблар, вақт меъёрлари, сифат назорати воситалари батафсил акс эттирилган бўлади [2].

Замонавий самарали ишлаб чиқариш, тайёр технологик жараёнсиз фаолият кўрсата олмайди. Ишлаб чиқариш соҳаси каби таълим соҳасида давлат таълим стандартлари (таълим «конструкцияси» яратилиш)

тайёрланганидан сўнг технологик тайёргарлик (намунавий ўқув режаларини, фанларнинг намунавий ўқув дастурларини тузиш; дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратиш; лаборатория жиҳозларини ва ўқитишнинг техник воситаларини лойиҳалаш, тайёрлаш, сотиб олиш; ўқув ишларини ҳисоблаш учун вақт меъёрларини ўрнатиш ва ҳоказо) амалга оширилади. Унда таълим жараёнини таълим муассасасининг фаолиятини ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш мезонлари ўрнатилади [3].

Ўқув жараёнининг технологик тайёргарлигига ўқитиш жараёнини ўзи (ишлаб чиқариш жараёнида эса бу маҳсулот тайёрлашнинг технологик жараёнлари бўлади), уни оптималлаш ва самарасини кўтариш ҳам киради. Хозирги замон шароитида ўқитиш жараёнини унификациялаш (ягона шаклга солиш), ўқитишда юқори унумга эришиш, педагогик технологияни ишлаб чиқиш ва қўллаш ҳисобидан амалга оширилади.

Адабиётлар.

1. Кларин М.В. «Педагогическая технология в учебном процессе» М.: «Знание», 1981, 84 с.
2. Фарберман Б.Л. «Прогрессивные педагогические технологии». Т.: 1999, 84 с.
3. Махмутов М.И., Ибрагимов Г.И., Чошанов М.А. «Педагогические технологии развития мышления учащихся» Казань., 1993 , 88 с.